

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

392 Давлатга тегишли объектларни ва активларни хусусий мулк қилиб сотишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 январдаги ПФ-4933-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шарти билан «нул» харид қиймати бўйича танлов асосида сотиладиган давлат мулки объектлари рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

хусусийлаштирилмаётган фойдаланилмаётган кўчмас давлат мулки объектлари, шунингдек давлат корхоналари ва хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги улушлар рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган, ваколатли органлар ва туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарорига кўра бузиб ташланмаган давлат мулки объектлари рўйхати 3-иловага* мувофиқ

улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилаётган кўчмас давлат мулки объектлари, шунингдек давлат корхоналари ва хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги улушлар рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, ҳар бир ҳудуднинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, 3-иловада кўрсатилган давлат мулки объектларини бузиб ташлаш натижасида бўшайдиган ер участкаларидан, шу жумладан уларни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларига танлов асосида бериш йўли билан улардан самарали фойдаланилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда:

* 1 — 4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

ушбу қарорга 1-иловага киритилган давлат мулки объектларини инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шарти билан «ноль» харид қиймати бўйича сотиш юзасидан танловлар ўтказиш;

ушбу қарорга 2-иловага киритилган давлат мулки объектларини, шунингдек давлат корхоналари ва хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги улушларни баҳолаш ва сотувга қўйиш жадвалларини тасдиқласин ҳамда уларнинг бажарилишини таъминласин.

4. Қўйидагилар 3-иловада кўрсатилган объектларни бузиб ташлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш манбалари этиб белгилансин:

объектларни бузишда бўшайдиган фойдаланиш учун яроқли бўлган қурилиш материалларини сотишдан тушадиган маблағлар;

балансда сақловчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек тасдиқланган харажатлар сметаси доирасидаги бюджет маблағлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 19 май,
295-сон